

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ,
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.06/2025.27.12.Tib.01.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАШПУЛАТОВА ШАҲНОЗА АБДУЛЛАХАТОВНА

ҲОМИЛАДОРЛАРДА СУРУНКАЛИ ВИРУСЛИ ГЕПАТИТ В ВА D НИНГ
КЕЧИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

14.00.10 – Юқумли касалликлар

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2026

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of the Doctor of Sciences (DSc) dissertation abstract

| | |
|--|----|
| Ташпулатова Шаҳноза Абдуллахатовна Ҳомиладорларда сурункали вирусли гепатит В ва D нинг кечиш хусусиятлари | 3 |
| Ташпулатова Шаҳноза Абдуллахатовна Особенности течения хронического вирусного гепатита В и D у беременных | 29 |
| Tashpulatova Shakhnoza Abdullakhatovna Clinical Features of Chronic Viral Hepatitis B and D in Pregnant Women..... | 55 |
| Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works | 61 |

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ,
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.06/2025.27.12.Tib.01.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАШПУЛАТОВА ШАҲНОЗА АБДУЛЛАХАТОВНА

ҲОМИЛАДОРЛАРДА СУРУНКАЛИ ВИРУСЛИ ГЕПАТИТ В ВА D НИНГ
КЕЧИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

14.00.10 – Юқумли касалликлар

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2026

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.1.DSc/Tib800 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.tashmeduni.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

**Ахмедова Муборахон
Джалиловна**

тиббиёт фанлари доктори,
профессор

Расмий оппонентлар:

Байжанов Аллаберган Кадирович

тиббиёт фанлари доктори,
профессор

Ибадова Гульнара Алиевна

тиббиёт фанлари доктори,
профессор

Утепбергенова Гульмира

Алкеновна

тиббиёт фанлари доктори, доцент
(Қозоғистон Республикаси)

Етакчи ташкилот:

**Самарқанд давлат тиббиёт
университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат тиббиёт университети, Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.06/2025.27.12.Tib.01.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100109, г. Ташкент, Учтепа тумани, Заковат кўчаси, 2 уй. Тел/факс: (+99878) 243-36-05.

Диссертация билан Тошкент давлат тиббиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14.

Диссертация автореферати 2026 йил «_____» _____ кунни тарқатилди.

(2026 йил «_____» _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

Л.Н. Туйчиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори,
профессор

Н.У. Таджиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори,
профессор

Б.М. Таджиев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фан доктори диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда сурункали вирусли гепатит В билан касалланганлар орасида HDV-инфекциясининг улуши 5% ташкил этиб, ЖССТнинг вирусли гепатит бўйича соғлиқни сақлаш секторининг глобал стратегиясида «...вирусли гепатитга қарши курашиш бўйича шошилиш чоралар кўришга чақирди ҳамда гепатит D ни канцероген касаллик сифатида таснифлади, чунки суперинфекцияда жараённи сурункали шаклга ўтиши 80-90% ни ташкил этади, сурункали вирусли гепатит D эса гепатоцеллюляр карцинома ривожланиш хавфини уч мартага, ўлим хавфини эса икки мартага оширади»¹ ва 2 йил ичида беморларнинг 15% да, 5–10 йил ичида беморларнинг 70,0–80,0% да цирроз ривожланади. Шунинг учун жараён прогрессирланишини секинлаштиришга йўналтирилган даво чораларини ишлаб чиқиш ўта зарур. Ҳомиладорларда сурункали вирусли гепатит В йўлдошни эрта кўчиши, муддатидан илгари туғруқ, гестацион гипертензия, фетоплацентар етишмовчилик, ҳомила ривожланишини ортда қолиши, шунингдек, боланинг сурункали инфекцияси хавфини оширади. Сурункали HBV-инфекциясига HDV-инфекциясини қўшилиши эса она ва ҳомиланинг ҳолатини янада оғирлаштиради. Ҳозирги кунда, ҳомиладорларда сурункали вирусли гепатит В ва D нинг кечиш хусусиятларини аниқлаш, асоратларни олдини олиш чораларини такомиллаштириш аҳамиятга эга.

Жаҳонда ҳомиладорларда сурункали вирусли гепатит В ва D нинг кечиш хусусиятларини аниқлаш, асоратларини эрта ташхисоти, даволаш ҳамда профилактика усулларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, ҳомиладорларда сурункали вирусли гепатитни кечиш хусусиятларини асослаш, касаллик асоратларини ривожланишини молекуляр генетик механизмларини аниқлаш, ҳомиладорларни тезкор тестлар билан кенг миқёсда скринингдан ўтказиб ҳомиладорлар орасида сурункали гепатитлар тарқалишини истиқболли эпидемиологик таҳлилинини ўтказиш, сурункали вирусли гепатитларни даволашда қўлланиладиган дори воситаларини самарадорлиги ва хавфсизлигини баҳолаш орқали даволашдаги турли хил ёндашувларни таҳлил қилиш, вирусли гепатитларга қарши эмлаш дастурлари самарадорлигини ошириш кабилар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш тизимини жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан турли касалликларни эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олиш сифатини оширишга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар

¹ <https://www.who.int/ru/campaigns/world-hepatitis-day/20258> World Hepatitis Day 2025 Hepatitis: Let's Break It Down

амалга оширилмоқда. Бу борада, «..... оналар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий хизмат фаолиятини тизимли таҳлил қилиш, камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф қилиш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгилаш ҳамда ижросини назорат қилиш»² каби вазифалар белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда, ҳомиладорларда сурункали гепатит туфайли асоратлар ривожланишини олдиндан ташхислаш ва олдини олиш чора-тадбирларини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон «Ўзбекистон - 2030 стратегияси тўғрисида» ги Фармонлари, 2022 йил 16 майдаги ПҚ-243-сон «Айрим долзарб вирусли инфекциялар тарқалишига қарши курашиш чора-тадбирларини такомиллаштириш тўғрисида»ги, 2023 йил 8 сентябрдаги ПҚ-296-сон «Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари» тўғрисидаги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³. Ҳомиладорларда сурункали вирусли гепатит В ва D нинг кечиш хусусиятларини аниқлашга қаратилган тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Stanford University School of Medicine (АҚШ), Yale School of Public Health (АҚШ), Duke University Medical Center (АҚШ); University of Calgary (Канада); German Center for Infection Research (DZIF) (Германия), Leibniz Institute of Virology (Германия), Kirby Institute (UNSW Sydney) (Австралия), Global Virus Network (GVN), Coalition for Global Hepatitis Elimination (CGHE), ICMR – National Institute of Virology (Пуна, Ҳиндистон), Asian Liver Center (Stanford University, АҚШ), Stanford University, Johns Hopkins University, Medical College of Georgia (АҚШ), Technical University of Munich (TUM, Германия), Imperial College London

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 8 сентябрдаги ПҚ-296-сон «Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар халқаро электрон илмий платформалар (www.who.int, <https://med.stanford.edu/school.html>, <https://ysph.yale.edu/>, <https://www.dukehealth.org/locations/duke-university-medical-center>, <https://www.ucalgary.ca>, <https://www.globalhep.org>, <https://niv.icmr.org.in>, <https://med.stanford.edu/liver.html>, <https://en.unav.edu>, <https://en.unica.it/en>, <https://english.njmu.edu.cn>, <https://cu.edu.eg>, <https://www.haramaya.edu>, www.monash.edu) ва бошқа мнабалар асосида амалга оширилди

(Буюк Британия), University of Navarra (Испания), University of Cagliari (Италия), Nanjing Medical University (Хитой), Cairo University (Миср), Haramaya University (Эфиопия), Monash University (Австралия) шунингдек, Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази (Ўзбекистон), Тошкент давлат тиббиёт университети (Ўзбекистон), Иммунология ва инсон геноми маркази, Вирусология илмий тадқиқот институтида ўтказилмоқда.

Бугунги кунда беморларда касалликни турлича кечишини комплекс клиник ва лаборатор текширув ёрдамида аниқлаш, замонавий ва илғор тадқиқот усуллари асосида унинг прогностик биомаркерларини белгилаш замонавий инфектологиянинг устувор йўналиши ҳисобланади. Гепатит В бўйича махсус глобал тадқиқот ташкилотларидан бири бўлган Hepatitis B Foundation ва Baruch S. Blumberg Institute (АҚШ) томонидан даволаш усуллари такомиллаштириш ва вируснинг патогенезини асослаш бўйича изланишлар; қон орқали юқувчи вирусли инфекциялар хавфини башоратлаш, уларнинг профилактикаси ва ВГВ ҳамда ВГС тарқалишини халқаро даражада таҳлил қилиш Yale School of Public Health – Viral Hepatitis Program; вирусли гепатитлар, жумладан сурункали дельта-агентли гепатит В бўйича кўп марказли халқаро клиник тадқиқотлар ва беморлар маълумотлари базаси билан ишлаш German Center for Infection Research (DZIF); миллий мониторинг маркази сифатида сурункали гепатитларнинг эпидемиологияси ва профилактикасини ўрганиш Indian Council of Medical Research (ICMR) қошидаги National Institute of Virology (Пуна, Ҳиндистон); Осиё минтақаларида гепатит В касаллиги бўйича таълим, клиник тадқиқотлар ва профилактика ишлар Asian Liver Center (Stanford University, АҚШ) да ўтказилган. ЎР ФА қошидаги Иммунология марказининг молекуляр тадқиқотлар лабораториясида, вирусология илмий текшириш институтида, Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий амалий тиббиёт маркази, Тошкент давлат тиббиёт университетида (Ўзбекистон Республикаси) сурункали вирусли гепатитларни оғир ва асоратли кечишини эрта ташхислаш, персонализацияланган ёндошувларни ўтказиш учун юқори технологик, молекуляр-генетик тадқиқот усуллари жорий этиш ва қўллаш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Ҳомиладорларда ўткир ва сурункали вирусли гепатитларнинг клиник кечиши ва лаборатория кўрсаткичлари динамикаси ўзига хос бўлиб, тиббиёт ходимларининг ҳомиладорлик даврида вирусли гепатитларнинг аҳамиятини англаши, эрта ташхис қўйиши ва самарали даволаш стратегияларини амалга ошириши она ва ҳомила учун асоратларни камайтириш ҳамда эмизиш хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга эканлиги кўрсатилган. Бу соҳада тадқиқотлар Medical College of Georgia (АҚШ), Duke University Medical

Center (АҚШ), University of Calgary (Канада), Nanjing Medical University (Хитой) каби етакчи муассасаларда олиб борилган. Сурункали вирусли гепатит В да вирус юкламаси юқори бўлган ҳолларда ҳомиладорларда гестацион қандли диабет, ДВС-синдромгача бўлган гемостаз бузилиши, анемия, 22–32 ҳафтада ҳомилани йўқотиш хавфи, гестозлар, фетоплацентар етишмовчилик, туғруқда қон кетиши, 34 ҳафтадан олдин туғруқ ва қоғоноқ сувининг эрта кетиши каби асоратлар ривожланиши аниқланган. Бу йўналишда тадқиқотлар Hacettepe University (Туркия), University of Calgary (Канада), Nanjing Medical University (Хитой) томонидан олиб борилган. Шунингдек, HBsAg ташувчиларида суперинфекция ривожланиши мумкин бўлиб, у оғир ўткир гепатит ёки олдиндан мавжуд бўлган сурункали гепатит Вни оғирлашиши шаклида намоён бўлади; бу ҳолат кўпинча HBV/HDV коинфекциясидан оғирроқ кечади. HBsAgнинг давомли мавжудлиги вирус репликациясини сақлаб қолади, натижада тахминан 90% ҳолатларда СВГDга ўтиш ва фиброз, цирроз ҳамда гепатоцеллюляр карцинома каби оғир асоратлар ривожланиши мумкинлиги аниқланган. Ушбу тадқиқотлар дунёнинг турли минтақаларида вирусли гепатитларнинг ҳомиладорликка таъсирини, даволаш имкониятларини ва асоратлар профилини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, тиббиёт ходимларига ҳомиладорларда вирусли гепатитларни самарали назорат қилиш ва даволашда замонавий клиник йўналишларни жорий қилиш учун асос яратади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳомиладор аёллар орасида сурункали вирусли гепатит В нинг кечиши бўйича кўп тадқиқотлар олиб борилган. Баъзиларида, сурункали вирусли гепатит В кўпроқ ҳомиладорликнинг биринчи ва учинчи триместрида зўриқиши содир бўлади ҳамда гестация муддати ошгани сари жигар вазифасини бузилиши ортиб, трансаминазалар (АЛТ, АСТ) даражасини ишончли равишда ортиши кузатилади ҳамда жигар етишмовчилиги ривожланиш хавфи ҳам унга боғлиқ равишда ортиб боради деб келтирилган. Бошқа тадқиқотларда эса, ҳомиладорларда сурункали вирусли гепатит В нинг зўриқиши ҳомиладорликнинг иккинчи триместрида кузатилиши, айрим аёлларда эса сурункали гепатитни туғруқдан кейинги биринчи ойларда зўриқиши тўғрисида маълумотлар келтирилган. Хитойнинг жанубий тиббиёт университети Гуандун вилояти Шунде туманида жойлашган касалхонада ўтказилган ретроспектив тадқиқот вирус репликациясининг юқори даражада бўлиши гестацион қандли диабет ривожланиш эҳтимолини ошириши, гемостаз бузилишларига, ҳаттоки ДВС-синдроми ривожланишига, анемия, муддатидан илгари туғруқ хавфи (кўпинча 22–32 ҳафтада), гестоз, фетоплацентар етишмовчиликка олиб келиши, бу эса туғруқда қон кетиш хавфи, муддатидан аввал туғруқ (34 ҳафтагача), қоғоноқ сувини эрта ажралиши, чала туғилиш хавфини оширишини тасдиқлади. Бир қатор олимлар томонидан

Ўтказилган мета-таҳлилда ҳомиладор аёлларда вирусли гепатитнинг оғирлик даражаси ва ҳомиладорликни муддатига етмаслик ҳолатлари ўртасидаги боғлиқлик кўрсатилди, унга кўра, касаллик энгил шаклида муддатидан илгари туғруқ хавфи 12,6% ҳолатларда, ўртача оғирликда – 19,3%, оғир шаклда – 37,5% ҳолатда кузатилиши аниқланди. Шу билан бирга, сурункали вирусли гепатит В нинг оғир ва мураккаб кечиши ҳамда ҳомиладорлик тугалланиш оқибатларига таъсир этувчи омиллар етарли даражада аниқланмаган.

Мамлакатимизда аҳолининг турли қатламлари орасида вирусли гепатитларни тарқалишини олдини олиш, самарали ташхислаш ва даволашнинг замонавий технологияларни қўллаш ва олдини олиш борасида қатор муаллифлар илмий тадиқотлар олиб боришган (Т.А.Даминов 2020; Э.И.Мусабаев, 2022; Л.Н.Туйчиев, 2022; Г.К.Худойқулова, 2018; 2022; О.М.Миртазаев, 2021; Н.С.Атабеков, 2022), бироқ, ҳомиладорларда сурункали вирусли гепатит В ва Д кечиш хусусиятларини аниқлаш, асоратларни эрта ташхислаш, беморларни назоратлаш ва терапевтик ёндашувларни қиёсий баҳолаш тартиби такомиллаштирилмаган.

Статистика маълумотларига кўра, Ўзбекистонда ВГВ тарқалиш даражаси 13% ни ташкил қилади, бу эса дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Шу билан бирга, вирусли гепатит D вирусини юқиш даражаси ҳозиргача аниқланмаган. Ходжаева М. ва ҳаммуаллифлари (2020) ўз тадиқотларида 3694 та HBsAg мусбат жигар циррози беморлари орасида 80,7% беморларда бир вақтнинг ўзида гепатит D вирусини ҳам мавжудлигини келтирган. Гепатит D ҳомиладор аёллар учун жуда салбий патологик ҳолат ҳисобланади. Аммо маҳаллий ва хорижий адабиётларда ҳомиладорларда ушбу инфекциянинг кечиши ва натижалари хусусида маълумотлар топилмади, бу эса қўшимча тадиқотларни амалга ошириш зарур бўлган муаммоси ҳисобланади.

Диссертация тадиқотининг диссертация бажарилган илмий тадиқот муассасининг илмий-тадиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Ушбу илмий-тадиқот иши Тошкент давлат тиббиёт университети юқумли ва болалар юқумли касалликлари кафедрасининг «Болалар ва катталарда юқумли касалликларнинг диагностикаси, даволаш ва профилактикасини такомиллаштириш» мавзусидаги илмий ишлар режасига (Давлат рақами № 012300280) мувофиқ амалга оширилди (2018-2023 йй).

Тадиқотнинг мақсади ҳомиладорларда сурункали вирусли гепатит В ва D нинг кечиш хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадиқотнинг вазифалари:

ҳомиладор аёлларда сурункали вирусли гепатит В (СВГВ) ва дельта агентли сурункали вирусли гепатит В (СВГВ+D)нинг клиник кечиши ҳамда лаборатор кўрсаткичларидаги ўзгаришларни аниқлаш; СВГВ билан касалланган ҳомиладорларда акушерлик

анамнезининг хусусиятларини дельта агентига боғлиқ ҳолда чизиқли регрессия таҳлили асосида аниқлаш;

СВГВ билан касалланган ҳомиладорларда айрим цитокинлар даражасининг дельта агенти ва ҳомиладорлик триместрига боғлиқ ўзгариш хусусиятларини аниқлаш;

СВГВ билан касалланган ҳомиладорларда томир эндотелийсининг ўсиш омили (VEGF-A) ген полиморфизмини дельта агентига боғлиқ аниқлаш;

VEGF-A ген полиморфизмининг турли вариантлари ва коагулограмма кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқликни ҳомиладорлик тугалланиш оқибатларига мувофиқ аниқлаш;

СВГВ ва СВГВ+D билан касалланган ҳомиладорларда олинган клиник, лаборатор, иммунологик ва молекуляр-генетик натижалар асосида уларни бошқариш, кузатиш ва даволашнинг дифференциаллаштирилган алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 1-сонли шаҳар клиник юқумли касалликлар шифохонасида СВГВ ва СВГВ+D билан даволанган ҳомиладорлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида СВГВ ва СВГВ+D билан касалланган ҳомиладорларнинг клиник белгилари, қони, қон зардоби олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш ва мақсадга эришиш учун анамнестик, клиник, инструментал (ультратовуш текшируви, доплер) ва лаборатор (умумий қон таҳлили, қоннинг биокимёвий таҳлили, коагулограмма), серологик (иммунофермент таҳлили), молекуляр-биологик (полимераза занжир реакцияси) ва статистик усуллар (ўртача арифметик (M), ўртача стандарт хатолик (m), регрессияли чизиқли таҳлил (r), имкониятлар нисбати (OR) ва имкониятлар хавфи (RR)) қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор, сурункали вирусли гепатит В билан касалланган ҳомиладорларда жигардаги сурункали жараён 88,7% ҳолатда II ва III триместрларда фаоллашиши соғлом ҳомиладорлик триместрларига мувофиқ ИЛ-6 ва ИЛ-10 профили билан боғлиқ эканлиги асосланди;

илк бор, дельта-агентли сурункали вирусли гепатит В билан касалланган ҳомиладорларда жигардаги сурункали жараён фаоллигини ҳомиладорликнинг биринчи триместридан ортиши, ИЛ-6/ИЛ-10 нисбати 0,6 дан юқори бўлиши билан боғлиқлиги асосланди;

илк бор, дельта-агентдан қатъий назар сурункали вирусли гепатит В билан касалланган ҳомиладорларда VEGF-A генининг -2578 C/A (s699947) ва -1154 G/A (rs1570360) локусидаги CA ва GA генотиплари жигардаги сурункали яллиғланиш биомаркерлари (вирусли юклама, аланинаминотрансфераза) қийматини паст даражада сақланиши, ҳомиладорликни асоратсиз якунланишига ҳимояловчи омил эканлиги исботланган;

илк бор ҳомиладорларда сурункали вирусли гепатитлар оғир кечиши, ҳомиладорликни асоратли яқунланиши VEGF-A генининг -2578 C/A (s699947) ва -1154 G/A (rs1570360) локусидаги AA гомозигот генотиплар ҳамда уларнинг комбинациялари билан боғлиқ эканлиги исботланган;

илк бор дельта-агентдан қатъий назар сурункали вирусли гепатит В билан касалланган ҳомиладорларда VEGF-A генининг -2578 C/A (s699947) ва -1154 G/A (rs1570360) локусидаги AA гомозигот генотиплар ҳамда уларнинг комбинациялари эндотелий фаоллашуви ҳисобига гемостаз тизимининг гиперкоагуляцияга олиб келиши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ИЛ-6/ИЛ-10 нисбати, эндотелий фаоллиги, гемостаз ва жигар биомаркерлари дельта-агентдан қатъий назар сурункали вирусли гепатит В билан касалланган ҳомиладорларда цитолитик синдромни ортиши, ҳомиладорликни асоратли яқунланишини белгиловчи предиктор омил ҳисобланиши асосланган;

VEGF генининг -1154 G/A (rs1570360) ва -2578 C/A (rs699947) локусларидаги AA гомозигот генотиплар ҳамда уларнинг комбинацияларини аниқлашга қаратилган тестлар дельта-агентдан қатъий назар сурункали вирусли гепатит В билан касалланган ҳомиладорларда қон томир эндотелий дисфункцияси, ҳомиладорликни асоратли яқунланишига мойилликни аниқлаши асосланган;

қон томир эндотелий дисфункцияси, гиперкоагуляцияга мойиллик аниқланган ҳолатларда, дельта-агентдан қатъий назар сурункали вирусли гепатит В билан касалланган ҳомиладорларга патогенетик даво сифатида аминокислота (L-Аргинин) асосидаги воситалар тавсия этилиши асосланган;

оилавий поликлиника шароитида дельта-агентдан қатъий назар сурункали вирусли гепатит В билан касалланган ҳомиладорларни олиб бориш, асоратларни эрта ташхислаш, даволашни такомиллаштириш бўйича тавсиялар асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда услубий жиҳатдан тўғри назарий ёндашувлар ва усуллардан фойдаланилганлик, беморларнинг етарли сони, қўлланилган клиник, лаборатор, молекуляр-генетик, статистик таҳлил усуллар, олинган маълумотларга дастурий ёндашув асосида ишлов берилганлиги, шунингдек, ҳомиладорларда СВГ фониди шаклланиши мумкин бўлган асоратларни аниқлаш ҳамда эрта башоратлаш, томир эндотелийсининг ўсиш омилига мувофиқ равишда патогенетик даволашни такомиллаштиришда олинган маълумотларнинг ўзига хослиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, СВГВ ва дельта-агентли СВГВ билан касалланган ҳомиладорларда асоратларни ривожланиш эҳтимоли VEGF A ген полиморфизмига боғлиқлиги, аёлларда VEGF-A гени -2578 С/А ва -1154 G/A полиморфизмларининг гомозигот AA генотиплари комбинацияси асоратлар ривожланишининг мустақил хавф омили сифатида намоён бўлади. СВГВ ва дельта-агентли СВГВ билан касалланган ҳомиладорларда мазкур генетик вариантлар цитокин регуляция тизимида номутаносибликни кучайтириб, клиник асоратлар ривожланишига олиб келиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, СВГВ ва дельта-агентли СВГВ билан касалланган аёлларда ген полиморфизми ҳамда цитокинлар қийматига мувофиқ равишда ривожланиши мумкин бўлган асоратларни эрта башоратлаш ҳамда ушбу аёлларни даволаш комплексига аминокислотали (L-Аргинин) препаратни киритиш асоратларни учраш эҳтимолини сезиларли камайтириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий-техник Кенгашнинг 2025 йил 10 июндаги 19-сонли йиғилиши баённомасига асосан илмий-тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга тадбиғи бўйича хулосасига кўра:

биринчи илмий янгилик: илк бор, СВГВ билан касалланган ҳомиладорларда жигардаги сурункали жараён 88,7% ҳолатда иккинчи ва учинчи триместрларда фаоллашиши соғлом ҳомиладорлик триместрларига мувофиқ ИЛ-6 ва ИЛ-10 профили билан боғлиқ эканлигини асосланганлиги Тошкент тиббиёт академияси мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 2024 йил 21 июндаги 06-24/353-т сон билан тасдиқланган «Сурункали В ва D гепатитда ҳомиладорликни салбий оқибатлар билан тугалланишини башоратлаш алгоритми» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклифлар Қорақалпоғистон Республикаси юқумли касалликлар шифохонасининг 24.10.2024 йилдаги 150-сонли ва Хоразм вилояти, Вилоят юқумли касалликлар шифохонасининг 06.01.2025 йилдаги 28-I-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий-техник Кенгашнинг 2025 йил 10 июндаги 19-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* СВГВ бўлган ҳомиладорларда клиник-лаборатор кўрсаткичлар триместрга боғлиқ оғирлашиши туфайли ҳар бир триместрда хавфни эрта баҳолаш ва ўз вақтида даволаш оғир асоратларнинг олдини олиб, она ва бола саломатлигини сақлаш имконини берди. *Иқтисодий самарадорлиги:* СВГВ бўлган ҳомиладорларда хавфни эрта баҳолаш, эрта даврда назоратга олиш асоратли беморларни даволашга кетадиган ҳаражатларни 4 баробарга тежалишига эришилди (ҳар бир бемордан 11250000 сўм

тежалди);

иккинчи илмий янгилик: илк бор, дельта-агентли СВГВ билан касалланган ҳомиладорларда жигардаги сурункали жараён фаоллигини ҳомиладорликнинг биринчи триместридан ортиши, ИЛ-6/ИЛ-10 нисбати 0,6 дан юқори бўлиши билан боғлиқлигини асосланиши Тошкент тиббиёт академияси мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 2024 йил 21 июндаги 06-24/353-t сон билан тасдиқланган «Сурункали В ва D гепатитда ҳомиладорликни салбий оқибатлар билан тугалланишини башоратлаш алгоритми» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклифлар Қорақалпоғистон Республикаси юқумли касалликлар шифохонасининг 24.10.2024 йилдаги 150-сонли ва Хоразм вилояти, Вилоят юқумли касалликлар шифохонасининг 06.01.2025 йилдаги 28-I-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий-техник Кенгашнинг 2025 йил 10 июндаги 19-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* D агентдан қатъий назар, СВГВ билан касалланган аёллар навбатдаги ҳомиладорликнинг эрта муддатларида цитокинлар қийматини аниқлаш ҳамда ИЛ-6/ИЛ-10 нисбати 0,6 дан юқори бўлган ҳолатда, гинеколог ва инфекционист назорати остида даволаш комплексига аминокислотали (L-Аргинин) препаратни киритиш оғир асоратлар ривожланиш эҳтимолини ҳар иккитадан битта аёлда бартараф этилишига эришилди. *Иқтисодий самарадорлиги:* D агентдан қатъий назар, СВГВ билан касалланган ҳомиладорларда цитокинлар қийматига асосланган ҳолда патогенетик давони ўтказиш асоратли ҳомиладорликни даволашга кетадиган ҳаражатларни 45% га тежалишига олиб келади;

учинчи илмий янгилик: илк бор, дельта-агентидан қатъий назар сурункали вирусли гепатит В билан касалланган ҳомиладорларда VEGF-A генининг -2578 C/A (s699947) ва -1154 G/A (rs1570360) локусидаги СА ва GA генотиплари жигардаги сурункали яллиғланиш биомаркерлари (вирусли юклама, аланинаминотрансфераза) қийматини паст даражада сақланиши, ҳомиладорликни асоратсиз якунланишига ҳимояловчи омил эканлиги Тошкент тиббиёт академияси мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 2025 йил 2 февралдаги 02-25/497-t сон билан тасдиқланган «Сурункали D ва В гепатитда асоратли ҳомиладорликни башоратлаш усули» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклифлар Сирдарё вилояти юқумли касалликлар шифохонасининг 17.03.2025 йилдаги 132-I сонли ва Хоразм вилояти, Вилоят юқумли касалликлар шифохонасининг 03.03.2025 йилдаги 32-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий-техник Кенгашнинг 2025 йил 10 июндаги 19-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* VEGF A нинг rs699947 полиморф локусидаги -2578 C/A ҳамда rs1570360 полиморф локусидаги - 1154

G/A ген полиморфизми комбинациясида гомозигот AA генотиби бўлган хавф гуруҳидаги аёлларни ажратиб олиш ҳамда патогенетик даво чораларини тавсия этиш имкони ҳомилаичи даврида гипоксия кузатилиш эҳтимолини камайишига, вақтига етиб, табиий туғруқ кузатилиш сонини ортишига, чақалоқларни 2500 г дан юқори тана оғирлиги билан туғилишига сабаб бўлди. *Иқтисодий самарадорлиги:* VEGF A нинг rs699947 полиморф локусидаги -2578 C/A ҳамда rs1570360 полиморф локусидаги - 1154 G/A ген полиморфизми комбинациясида гомозигот AA генотиби бўлган хавф гуруҳидаги аёлларни ажратиб олиш ҳамда патогенетик даво чораларини тавсия этиш имкони 11896000 сўмни тежалишига олиб келди;

тўртинчи илмий янгилик: илк бор ҳомиладорларда сурункали вирусли гепатитлар оғир кечиши, ҳомиладорликни асоратли яқунланиши VEGF-A генининг -2578 C/A (rs699947) ва -1154 G/A (rs1570360) локусидаги AA гомозигот генотиплар ҳамда уларнинг комбинациялари билан боғлиқ эканлиги Тошкент тиббиёт академияси мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 2025 йил 2 февралдаги 02-25/497-т сон билан тасдиқланган «Сурункали D ва B гепатитда асоратли ҳомиладорликни башоратлаш усули» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклифлар Сирдарё вилояти юқумли касалликлар шифохонасининг 17.03.2025 йилдаги 132-1 сонли ва Хоразм вилояти, Вилоят юқумли касалликлар шифохонасининг 03.03.2025 йилдаги 32-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий-техник Кенгашнинг 2025 йил 10 июндаги 19-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* VEGF A нинг rs699947 полиморф локусидаги -2578 C/A ҳамда rs1570360 полиморф локусидаги - 1154 G/A ген полиморфизми комбинациясида гомозигот AA генотиби бўлган аёллар даволаш комплексида Аргинин дори воситасини киритиш, ҳомилаичи даврида гипоксия кузатилиш эҳтимолини камайишига, вақтига етиб, табиий туғруқ кузатилиш сонини ортишига, чақалоқларни 2500 г дан юқори тана оғирлиги билан туғилишига сабаб бўлди. *Иқтисодий самарадорлиги:* СВГВ билан касалланган аёллар даволаш комплексида Аргинин дори воситасини киритиш асоратли ҳомиладорликни даволашга кетадиган ҳаражатни ҳар бир беморга 11896000 сўмга тежалишига олиб келди;

бешинчи илмий янгилик: илк бор дельта-агентида қатъий назар сурункали вирусли гепатит В билан касалланган ҳомиладорларда VEGF-A генининг -2578 C/A (rs699947) ва -1154 G/A (rs1570360) локусидаги AA гомозигот генотиплар ҳамда уларнинг комбинациялари эндотелий фаоллашуви ҳисобига гемостаз тизимининг гиперкоагуляцияга олиб келиши Тошкент тиббиёт академияси мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 2025 йил 2 февралдаги 02-25/497-т сон билан тасдиқланган «Сурункали D ва B гепатитда асоратли ҳомиладорликни башоратлаш усули» номли

услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклифлар Сирдарё вилояти юқумли касалликлар шифохонасининг 17.03.2025 йилдаги 132-І сонли ва Хоразм вилояти, Вилоят юқумли касалликлар шифохонасининг 03.03.2025 йилдаги 32-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий-техник Кенгашнинг 2025 йил 10 июндаги 19-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* VEGF A нинг rs699947 полиморф локусидаги -2578 С/А ҳамда rs1570360 полиморф локусидаги - 1154 G/A ген полиморфизми комбинациясида гомозигот AA генотипи бўлган аёллар даволаш комплекцига Аргинин дори воситасини киритиш, ҳомилаици даврида гипоксия кузатилиш эҳтимолини камайишига, вақтига етиб, табиий туғруқ кузатилиш сонини ортишига, чақалоқларни 2500 г дан юқори тана оғирлиги билан туғилишига сабаб бўлди. *Иқтисодий самарадорлиги:* СВГВ билан касалланган аёллар даволаш комплексида Аргинин дори воситасини киритиш асоратли ҳомиладорликни даволашга кетадиган ҳаражатни ҳар бир беморга 11896000 сўмга тежалишига олиб келди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та республика ва 6 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, саккизта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 182 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, ҳамда республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ҳомиладорларда СВГВ ва СВГВ+D нинг клиник кечиши, лаборатор кўрсаткичлари ҳамда патогенетик омиллари адабиётлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобда

ўрганилаётган муаммонинг ҳолати тўғрисида замонавий тасаввурларни акс эттирувчи хорижий ва маҳаллий адабиётларнинг батафсил таҳлили келтирилган. Дунё бўйича ҳомиладорларда СВГВ ва СВГВ+D ни кечиш хусусиятларини ўрганиш бўйича натижалар таҳлил қилинган. Шу билан бир қаторда, турли хил юқумли бўлмаган ва юқумли касалликларда VEGF A маркерининг клиник ва лаборатор аҳамияти ҳақидаги маълумотлар акс эттирилган. Баъзи бир яллиғланиш олди ва яллиғланишга қарши цитокинларни физиологик жараён бўлган ҳомиладорликда ҳамда сурункали вирусли гепатитлардаги аҳамияти хорижий ва маҳаллий олимларнинг натижаларига асосланган ҳолда ёритиб берилган. Ушбу боб L-Аргинин дори воситасининг асоратли ҳомиладорликни олдини олишдаги аҳамиятини тасвирлаш орқали яқунланган.

Диссертациянинг «**Ҳомиладорларда СВГВ ва СВГВ+D нинг клиник кечиш ва лаборатория кўрсаткичларининг ўзгариш хусусиятларини ўрганишнинг материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот дизайни ва тадқиқот материаллари ҳамда усуллари тавсифи келтирилган. Фойдаланилган тадқиқот усуллари тўғрилиги ва хажмининг етарлилиги, тадқиқот гуруҳларини ва уларга мос бўлган қиёсий ва назорат гуруҳларини шакллантириш тўғрисида маълумотлар берилган. Тадқиқотда фойдаланилган умумклиник, лаборатор, серологик, молекуляр-генетик ва статистик усуллар баён этилган. Тадқиқот проспектив тарзда режалаштирилиб, асосий қисми 2018–2023-йилларда 1-шаҳар юқумли касалликлар шифохонасида олиб борилди. Тадқиқотда СВГВ ва СВГВ+D ташхиси билан даволанган, ёши 18–45 ёш оралиғида бўлган 260 нафар ҳомиладор аёл (ўртача ёш $29,4 \pm 0,49$) кузатилди. Тадқиқотга киритиш мезонларига ҳомиладорлик, 18–45 ёш, СВГВ ва СВГВ+D тасдиқланган ташхиси бўлди. Чеклаш мезонлари сифатида 18 ёшгача ва 45 ёшдан катта ёш, оғир преэклампсия ёки эклампсия, декомпенсацияланган экстрагенитал касалликлар, қандли диабет, руҳий касалликлар, ҳомиладор эмаслик ҳамда тадқиқотда иштирок этишдан бош тортиш ҳолатлари белгиланди. Дельта-агентдан қатъий назар СВГВнинг ҳомиладорлик кечишига таъсирини баҳолаш мақсадида акушерлик анамнези таҳлил қилинди. Сурункали вирусли гепатит ташхиси эпидемиологик, клиник ва лаборатор маълумотларга асосланиб қўйилди. Этиологик омиллар ИФТ усулида HBsAg, anti HDV Ig M ёки G, ПЗР усулида эса вирус ДНК ва РНКси орқали аниқланди. Ҳомиладорлик асоратларининг сабабларини ўрганиш учун қон зардобиди IL-6, IL-10, IFN- γ ва TNF- α цитокинлари даражаси баҳоланди. Қон намуналари оч қоринга, эрталаб соат 7:00 да олинди. Текширувлар «ВЕКТОР-БЕСТ» (Россия) тест тизимлари ёрдамида иммунофермент таҳлил усулида ўтказилди. Меъёрий

кўрсаткичлар сифатида 25 нафар соғлом ҳомиладор бўлмаган аёллар қийматлари олинди. Генетик таҳлил сурункали вирусли гепатит билан асоратли ҳомиладорлик кечган 67 нафар аёлларда, асоратсиз кечган 70 нафар ва 51 нафар соғлом ҳомиладор аёлларда ўтказилди. Периферик қондан олинган ДНК ПЗР усули орқали VEGF A генининг rs699947 (-2578 C/A) ва rs1570360 (-1154 G/A) локусидаги полиморфизмлари ҳамда уларнинг гаплотипларини аниқлаш учун текширилди. Генотипларга мувофиқ коагулограмма кўрсаткичлари таҳлил қилинди. Олинган маълумотларга «Microsoft Excel» 2022 дастури ёрдамида статистик ишлов берилди.

Диссертациянинг «**Ҳомиладорларда СВГВ ва СВГВ+D нинг клиник кечиши, лаборатория кўрсаткичларидаги ўзгаришлар хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида тадқиқот гуруҳ беморларининг клиник кечиши ва лаборатория кўрсаткичларининг қиёсий жиҳатлари берилган. Тадқиқот гуруҳидаги 142 нафар СВГВ билан касалланган ҳомиладорларнинг 11,3% - I триместрда, 40,1% - II триместрда ва 48,6% - III триместрда тиббий ёрдамга мурожаат қилган. I триместрда клиник манзара асосан ҳолсизлик ва иштаҳа пасайиши билан характерланган, 12,5% ҳолатларда уйқу бузилиши ва кўнгил айнаши кузатилган. II триместрга келиб симптоматика кенгайиб, тез чарчаш, тажанглик, кўнгил айнаши ва қайт қилиш, шунингдек тери ва шиллик қаватларнинг сарғайиши қўшилган. III триместрда эса клиник белгиларнинг учраш даражаси сезиларли ошган: тез чарчаш эҳтимоли 13 баробарга (OR=12,5; CI=4,7–35,5; P<0,001), кўнгил айнаши 10 баробарга (OR=9,5; CI=4,2–22,3; P<0,001), сарғайиш 5 баробарга (OR=5,4; CI=2,4–12,5; P<0,001), жиғилдон қайнаши 7 баробарга (OR=6,6; CI=2,1–20,6; P<0,001) ортган. Икки нафар беморда геморрагик синдром қайд этилган. Чизиқли регрессия таҳлиliga кўра, ҳолсизлик ва иштаҳа пасайиши ($r^2=0,172$), кўнгил айнаши ($r^2=0,890$), тез чарчаш ($r^2=0,980$), сарғайиш ($r^2=0,890$) каби белгиларнинг триместрлар бўйича ортиши тўлиқ ҳомиладорлик омиллари билан изоҳланмайди, балки қўшимча патогенетик омиллар таъсири мавжудлигини кўрсатади. Аксинча, тажанглик, қайт қилиш, жиғилдон қайнаши ($r^2=1,0$) ва уйқу бузилиши ($r^2=0,981$) каби шикоятлар ҳомиладорлик триместрларига бевосита боғлиқ экани аниқланган.

СВГВ+D (n=118) гуруҳида касаллик клиник жиҳатдан оғирроқ кечган. Тажанглик белгисининг учраш эҳтимоли 5 баробар (46,6% ва 14,8%; OR=5,4; P<0,001), кўнгил айнаши 18 баробар (92,4% ва 40,8%; OR=17,6; P<0,001), сарғайиш 6 баробар (72,9% ва 31,0%; OR=5,9; P<0,001), геморрагик синдром 6 баробар (7,6% ва 2,9%; OR=6,1; P<0,05) кўпроқ учраган. Бошқа клиник белгиларни учраш даражаси бўйича ишонарли фарқ кузатилмаган (P>0,05). Дельта-агентли гуруҳда I

триместрда мурожаат қилиш улуши СВГВ га нисбатан икки баробар юқори бўлган (23,7% ва 11,3%), бу эрта симптоматика ва оғирроқ кечиш тенденциясини кўрсатса-да, статистик жиҳатдан ишончли эмас ($P>0,05$). II ва III триместрларда мурожаат қилиш даражаси бўйича гуруҳлар ўртасида ишонарли фарқ аниқланмаган. Регрессия таҳлили дельта-агентли гуруҳда ҳолсизлик, иштаҳа пасайиши, кўнгил айнаши ва сарғайишнинг триместрлар билан аниқ боғлиқ эмаслигини кўрсатди. Бироқ тез чарчаш ($r^2=0,676$), уйқу бузилиши ($r^2=0,964$), тажанглик ($r^2=0,983$), жиғилдон қайнаши ($r^2=0,974$) ва қайт қилиш ($r^2=0,996$) каби белгиларининг триместрлар билан кучли боғлиқлиги аниқланди. Умуман олганда, дельта-агенти мавжудлиги СВГВнинг клиник кечишини оғирлаштиради ва айрим симптомлар, жумладан диспептик ва интоксикация синдромлари учраш даражасини ишонарли равишда оширади.

Тадқиқот натижаларига кўра, умумий қон таҳлили кўрсаткичларининг бир қисми дельта-агенти мавжудлигига боғлиқ равишда ўзгарган. Хусусан, СВГВ+D бўлган аёлларда гемоглобин, эритроцитлар, гематокрит ва тромбоцитлар миқдори СВГВ гуруҳига нисбатан ишонарли равишда паст бўлган ($P<0,001$). Умумий беморларнинг 24 нафариди (9,2%) тромбоцитопения аниқланди, шундан 3 нафари СВГВ, 21 нафари эса СВГВ+D гуруҳига тўғри келди. Тромбоцитопенияси бор беморларнинг 11 нафариди милк ёки бурун қонаши кузатилган. Тромбоцитлар пасайиши асосан II (6 нафар) ва III триместрларда (18 нафар) қайд этилди, III триместрда тромбоцитопения ривожланиш эҳтимоли II триместрга нисбатан сезиларли юқори бўлган ($OR=5,527$; $\chi^2=10,936$). Бу ҳолат касаллик фаоллигининг ҳомиладорлик муддати ортиши билан кучайишини кўрсатади (1-жад).

1-жадвал

Тадқиқот гуруҳ беморларида умумий қон таҳлили кўрсаткичларини соғлом ҳомиладорлар кўрсаткичларига нисбатан қиёсий таҳлили


| Кўрсаткич | Соғлом ҳомиладорлар (n=100) | СВГВ (n=142) | СВГВ+D (n=118) | P |
|----------------------------------|-----------------------------|--------------|----------------|--------|
| Гемоглобин (г/л) | 125,2 ± 1,11 | 105,4±1,35 | 97,8±1,1 | <0,001 |
| Гематокрит (%) | 37,3 ± 0,75 | 38,4±0,23 | 34,26±0,9 | <0,001 |
| Эритроцит (x10 ¹² /л) | 4,1 ± 0,08 | 3,5±0,05 | 3,1±0,014 | <0,001 |
| Лейкоцит (x10 ⁹ /л) | 8,3 ± 0,1 | 8,0±0,23 | 7,5±0,14 | >0,05 |
| Лимфоцит (%) | 28,2 ± 0,12 | 25,6±0,17 | 26,1±0,4 | >0,05 |

| | | | | |
|---|-----------------|-----------------|------------------|--------|
| Тромбоцит ($\times 10^9/\text{л}$) | 306,8 \pm 8,2 | 245,5 \pm 5,6 | 211,8 \pm 7,83 | <0,001 |
| ЭЧТ (мм/соат) | 24,1 \pm 0,75 | 26,3 \pm 0,89 | 27,7 \pm 0,45 | >0,05 |

Биокимёвий кўрсаткичлар таҳлилида СБГВ билан касалланган аёлларда қон зардобидаги АЛТ ўртача 61,7 \pm 2,2 ЕД/л, умумий билирубин 28,12 \pm 2,41 ммоль/л, умумий оқсил 66,59 \pm 0,85 г/л ни ташкил этган. СБГВ+D гуруҳида эса АЛТ сезиларли юқори – 118,5 \pm 14,9 ЕД/л бўлган, билирубин 17,7 \pm 2,41 ммоль/л, умумий оқсил 68,1 \pm 0,43 г/л ни ташкил этган. I триместрда АЛТ нинг меъёрдан 5 баробаргача (5N) кўтарилиши бўйича гуруҳлар ўртасида ишонарли фарқ кузатилмаган ($P>0,05$). II триместрда эса СБГВ+D гуруҳида АЛТ 5N гача кўтарилган беморлар сони СБГВ гуруҳига нисбатан ишонарли юқори бўлган (OR=8,2; 95% ИИ=3,4–19,8; $P<0,001$), қўшимча равишда 11,5% беморларда АЛТ 6–10N гача ошган. III триместрда 5N гача кўтарилиш бўйича фарқ ишонарли эмас ($P>0,05$), аммо дельта-агентли гуруҳда 6–10N гача кўтарилиш 71,1% ҳолатда кузатилган, СБГВ гуруҳида эса бундай ҳолат қайд этилмаган. Бу дельта-агенти мавжудлигида цитолитик синдромнинг оғирроқ кечишини кўрсатади.

Вирус юкламаси таҳлили СБГВ гуруҳида HBV DNA ўртача $6,1 \times 10^4$ нусха/мл эканлигини кўрсатди. Ҳомиладорлик триместри ва вирус юкламаси ўртасида тўғри, юқори корреляцион боғлиқлик аниқланган ($r=0,964$), яъни триместр ортиши билан вирус юкламаси ҳам ошган. Вирус юкламаси ошгани сари клиник белгиларнинг учраш даражаси ва АЛТ қиймати ҳам ортган; ўртача $11,4 \times 10^4$ нусха/мл даражасида геморрагик синдром ва бош оғриши қўшилган (1-расм).

СБГВ+D гуруҳида HBV DNA миқдори пастроқ ($2,1 \times 10^3 \pm 10,8$ нусха/мл), HDV RNA эса $3,2 \times 10^4 \pm 15,7$ нусха/мл ни ташкил этган. Ҳомиладорлик триместри билан HBV DNA ўртасида тескари, юқори корреляция ($r=-0,952$), HDV RNA билан эса тўғри, юқори корреляция ($r=0,998$) аниқланган. Бу ҳолат дельта инфекция шароитида репликатив фаоллик асосан HDV ҳисобига ортиб боришини ва касаллик клиник оғирлигини белгилашда HDV RNA муҳим рол ўйнашини кўрсатади. Умуман олганда, дельта-агенти мавжудлиги гематологик ўзгаришлар, цитолит даражаси ва вирус репликацияси фаоллигининг кучайиши билан характерланиб, касалликнинг клиник кечишини оғирлаштиради (2-расм).



1-расм. СВГВ гуруҳида клиник белгиларнинг учраш даражасини (%) ҳомиладорлик триместри ва вирус юкламасига (x10⁴МЕ/мл) боғлиқлиги




2-расм. СВГВ+D гуруҳида клиник белгиларнинг учраш даражасини (%) ҳомиладорлик триместри ва вирус юкламасига (x10⁴МЕ/мл) боғлиқлиги

Диссертациянинг «СВГВ ва СВГВ+D билан касалланган ҳомиладорларнинг акушерлик анамнезининг таҳлили» номли тўртинчи бобида тадқиқот гуруҳидаги ҳомиладор аёллар касалхонага келиб тушганидан то туғруқ вақтигача катамнестик назорат қилинди ҳамда аёлларнинг ушбу ҳомиладорлик тугалланиш оқибатлари ўрганилди. Тадқиқотда 142 нафар СВГВ билан касалланган ҳомиладорларнинг акушерлик анамнези таҳлил қилинди. Уларнинг 6 нафариди (4,2%) ҳаёти давомида бепуштлиқ бўйича даволаниш ҳолати, 16 нафариди (11,3%) олдинги ҳомила тушиши, 2 нафариди (1,4%) эса ўлик бола туғилиши қайд этилган. Беморларнинг асосий қисми (65,5%) учинчи ва ундан ортиқ фарзандига ҳомиладор бўлган. СВГВ гуруҳида 81,7% (116 нафар) ҳолатда ҳомиладорлик асоратсиз туғруқ билан, 18,3% (26 нафар) ҳолатда эса асоратли туғруқ билан яқунланган. Жумладан, 22 ҳафтагача ҳомила тушиши 4,9%, вақтидан илгари туғруқ хавфи 13,4%, вақтидан илгари туғруқ 2,8% ҳолатларда кузатилган. Қўшимча равишда 19,7% аёлларда эрта токсикоз, 2,8% да преэклампсия, 1,4% да жигар ичи холестази қайд этилган. 95,1% бемор туғруққача етиб борган, уларнинг 97,04% да туғруқ муддатига етиб кузатилган (ўртача $38,9 \pm 0,87$ ҳафта), 2,9% да муддатидан илгари туғруқ ($35,7 \pm 1,2$ ҳафта) бўлган. Чала туғилган 4 нафар чақалоқда I даражали чалалик баҳоланган. Қоғоноқ сувининг кўплиги 10,4%, йўлдошда кальцинатлар 15,6% ҳолатда аниқланган. Янги туғилган чақалоқларнинг ўртача вазни $3300 \pm 0,78$ г ни ташкил қилган, 5,9% да 4000 г дан юқори, 15,6% да 2500 г дан кам бўлган. Апгар шкаласи ўртача $7,6 \pm 0,12$ ни ташкил этган. Эрта неонатал даврда бачадон-йўлдошда қон айланишининг бузилиши (БЙҚАБ) 30,4% ҳолатда қайд этилган.

СВГВ+D бўлган 118 нафар аёлларда акушерлик анамнези СВГВ га нисбатан оғирроқ бўлган: 27,96% да олдинги ҳомила тушиши, 5,9% да ўлик бола туғилиши кузатилган. Илгари ҳомила тушиши эҳтимоли СВГВ гуруҳига нисбатан ишонарли юқори бўлган ($OR=3,077$; $P<0,05$). Ушбу гуруҳда биринчи ёки иккинчи фарзандига ҳомиладор бўлган аёлларнинг (78,0%) сони СВГВ га нисбатан ишонарли равишда кўп бўлган ($P<0,001$). Дельта-агентли гуруҳда ҳомиладорлик 44,06% ҳолатда асоратли яқунланган бўлиб, 12,7% да 22 ҳафтагача ҳомила тушиши, 31,4% да вақтидан илгари туғруқ хавфи, 5,9% да вақтидан илгари туғруқ кузатилган, 3,4% ҳолатда ўлик туғилиш қайд этилган. Ҳомила тушиш ўртача $13,57 \pm 0,27$ ҳафтада содир бўлиб, СВГВ гуруҳига нисбатан ишонарли эртароқ рўй берган ($P<0,01$). 77,97% ҳолатда туғруқ муддатига етиб кузатилган ($37,2 \pm 0,66$ ҳафта), 7 ҳолатда муддатидан илгари туғруқ ($34,9 \pm 0,98$ ҳафта) бўлган. Қоғоноқ сувининг кўплиги (21,4%) ва йўлдош кальцинатлари (15,5%) дельта-агентига боғлиқ эмаслиги аниқланган ($P>0,05$).

Корреляцион таҳлил натижалари СВГВ гуруҳида АЛТ қиймати

билан 22 ҳафтагача ҳомила тушиши ($r=0,65$), муддатидан илгари туғруқ ($r=0,50$) ва БЙҚАБ ($r=0,72$) ўртасида тўғри боғлиқлик мавжудлигини кўрсатди. БЙҚАБ эса ўз навбатида чақалоқнинг кичик вазнида туғилиши ва Апгар кўрсаткичининг пасайиши ($r=-0,70$) билан боғлиқ бўлган. Дельта-агентли гуруҳда АЛТ кўтарилиши БЙҚАБ ($r=0,72$), муддатидан илгари туғруқ хавфи ($r=0,75$) ва муддатидан илгари туғруқ ($r=0,78$) билан юқори боғлиқликка эга бўлган. АЛТ билан чақалоқ вазни ва Апгар кўрсаткичи ўртасида эса кучли тескари боғлиқлик ($r=-0,88$ ва $r=-0,89$) аниқланган.



3-расм. СВГВ билан касалланган аёлларда туғруқ оқибатларига HBV ДНК таъсирининг тизимли корреляцион таҳлили

4-расм. СВГВ+D билан касалланган аёлларда туғруқ оқибатларига HBV ДНК таъсирининг тизимли корреляцион таҳлили

5-расм. СВГВ+D билан касалланган аёлларда туғруқ оқибатларига HDV РНК таъсирининг тизимли корреляцион таҳлили

СВГВ гуруҳида HBV DNA миқдори муддатидан илгари туғруқ

хавфи, муддатидан илгари туғруқ ва БЙҚАБ билан ўртача тўғри боғлиқликка эга бўлган, шунингдек чақалоқ вазни ва Апгар шкаласи билан тескари ўртача боғлиқлик ($r=-0,62$) кузатилган (3-расм). СБГВ+D гуруҳда эса HBV DNA билан туғруқ натижалари ўртасида паст даражадаги боғлиқлик ($r=0,39$) аниқланган, яъни HBV репликацияси асоратли ҳомиладорлик ривожланишида ҳал қилувчи омил бўлмади (4-расм). Аксинча, HDV RNA миқдори муддатидан илгари туғруқ хавфи, муддатидан илгари туғруқ ва БЙҚАБ билан юқори тўғри боғлиқликка ($r=0,94$), чақалоқ вазни ва Апгар кўрсаткичи билан эса кучли тескари боғлиқликка ($r=-0,89$) эга бўлган (5-расм). Умуман олганда, дельта-агенти мавжудлиги ҳомиладорликнинг асоратли кечиши, эрта ҳомила тушиши, плацентар етишмовчилик ва неонатал нохуш оқибатлар билан яқин боғлиқ бўлиб, касаллик прогнозига HDV RNA миқдори асосий таъсир этувчи омил сифатида намоён бўлди.

Диссертациянинг «СБГВ ва СБГВ+D бўлган ҳомиладорларда баъзи бир цитокинлар динамикаси» номли бешинчи бобида тадқиқот гуруҳ аёлларида ҳомиладорлик триместрига мувофиқ равишда баъзи бир цитокинлар қиймати динамикада ўрганилди. СБГВ+D билан касалланган ҳомиладорларда цитокин профили таҳлил қилинганда, TNF- α даражаси соғлом ҳомиладорлар кўрсаткичидан ишонарли фарқ қилмади ($P>0,05$), яъни яллиғланишнинг ушбу маркери сезиларли даражада фаоллашмагани аниқланди. IFN- γ даражаси ҳам соғлом гуруҳ кўрсаткичига яқин бўлиб, статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқ кузатилмади ($P>0,05$). Бироқ IL-10 ва IL-6 кўрсаткичларида яққол ўзгаришлар қайд этилди: IL-10 соғлом аёлларга нисбатан 8,2 баробарга, IL-6 эса 7,9 баробарга юқори бўлиб, ушбу фарқлар статистик жиҳатдан ишонарли эди ($P<0,001$). Бу ҳолат дельта-агент мавжудлигида иммун-яллиғланиш жавобининг кучайганини кўрсатади.

СБГВ бўлган ҳомиладорларда TNF- α ва IFN- γ қийматлари соғлом гуруҳдан ишонарли фарқ қилмади ($P>0,05$), бундан ташқари дельта-агентли гуруҳ қийматлари даражасида бўлди ($P>0,05$). IL-10 қиймати соғломларга нисбатан 4 баробарга юқори бўлса-да ($P<0,001$), дельта-агентли СБГВ гуруҳига нисбатан ишонарли равишда паст бўлди ($P<0,001$). IL-6 эса соғломларга нисбатан 5 баробар юқори ($P<0,001$), аммо дельта-агентли гуруҳ кўрсаткичидан ишонарли равишда паст экани аниқланди ($P<0,05$). Бу натижалар дельта-агенти мавжудлиги яллиғланиш фаоллигини янада кучайтиришини кўрсатади (2-жад).

2 - жадвал

Тадқиқот гуруҳ беморларида ўрганилаётган цитокинлар қиймати

| Кўрсаткич | Соғлом ҳомиладорлар (n=25) | СБГВ (n=142) | СБГВ+D (n=118) | p |
|----------------|----------------------------|----------------|----------------|------------|
| TNF - α | 9,7 \pm 1,1 | 7,79 \pm 1,8 | 8,14 \pm 2,2 | $P_1>0,05$ |

| | | | | |
|----------------|-----------|----------|----------|---|
| pg/ml | | | | P ₂ >0,05 P ₃ >0,05 |
| IL-10 pg/ml | 4,50±0,31 | 19,1±2,4 | 36,8±2,9 | P ₁ <0,001 P ₂ <0,001 P ₃ <0,001 |
| IFN-γ ED/ml | 67,50±3,6 | 74,1±2,1 | 75,8±2,6 | P ₁ >0,05 P ₂ >0,05 P ₃ >0,05 |
| IL-6 pg/ml | 1,55±0,17 | 8,3±1,6 | 12,2±1,2 | P ₁ <0,001 P ₂ <0,001 P ₃ <0,05 |

Изоҳ:

P₁ – соғлом ҳомиладорлар ва СВГВ бўлган ҳомиладорлар орасидаги фарқ;

P₂ - соғлом ҳомиладорлар ва СВГВ+D бўлган ҳомиладорлар орасидаги фарқ;

P₃ – СВГВ ҳамда СВГВ+D бўлган ҳомиладорлар орасидаги фарқ.

Соғлом ҳомиладорларда IL-10 I триместрда меъёрдан 2,2 баробар юқори бўлиб, II триместрда пасайган ва III триместрда меъёр даражасига яқинлашган. Ҳомиладорлик асоратсиз кечган СВГВли ҳомиладорларда I триместрда IL-10 соғломларга нисбатан 2,1 баробар юқори бўлиб, АЛТ меъёрда сақланган. II триместрда IL-10 пасайганига қарамасдан соғломларга нисбатан 2,5 баробар юқори қолган, АЛТ эса 1,5 баробар ошган. III триместрда IL-10 яна пасайиб, АЛТ 2,6 баробаргача кўтарилган. Ушбу гуруҳда АЛТ ва IL-10 ўртасида кучли тесқари корреляция ($r=-0,994$) аниқланди, яъни IL-10 пасайган сари жигар цитолизи кучайган.

Ҳомиладорлик асоратли кечган СВГВли ҳомиладорларда I триместрда IL-10 соғломларга нисбатан 3,6 баробар юқори бўлиб, кейинги триместрларда босқичма-босқич камайган, шу билан бир вақтда АЛТ III триместрда меъёрдан 4 баробаргача ошган. Бу гуруҳда ҳам IL-10 ва АЛТ ўртасида кучли тесқари боғлиқлик ($r=-0,971$) кузатилди. Демак, IL-10 даражасининг пасайиши жигарда яллиғланиш жараёни кучайиши билан боғлиқ бўлган. IL-6 динамикаси ҳам жигар фаоллиги билан узвий боғлиқ экани аниқланди. Соғлом ҳомиладорларда IL-6 I триместрда меъёрдан 2 баробар юқори бўлиб, II триместрда пасайган ва III триместрда қайта ошган. Ҳомиладорлик асоратсиз кечган СВГВли ҳомиладорлар II–III триместрларда IL-6 соғломларга нисбатан юқори сақланиб, АЛТ билан кучли тўғри корреляция ($r=0,984$) намоён этган. Ҳомиладорлик асоратли бўлган гуруҳда эса IL-6 II триместрда пасайиш ўрнига янада ошган ва III триместрда соғломларга нисбатан 2 баробар юқори бўлган. Бу ҳолатда IL-6 ва АЛТ ўртасида деярли тўлиқ тўғри корреляция ($r=0,999$) қайд этилди, яъни IL-6 ортиши жигар цитолизи кучайиши билан бевосита боғлиқ экани тасдиқланди. Клиник жиҳатдан, II триместрда IL-6 ва IL-10 нинг 2 баробарга, АЛТ нинг 2,7 баробарга ошиши 12,3% ҳолатда 22 ҳафтагача ҳомила тушиши билан боғлиқ бўлди. III триместрда IL-6 (2 баробар), IL-10 (3 баробар) ва АЛТ (4 баробар) ошиши 5,8% ҳолатда муддатидан илгари туғруқ билан кечди.

СВГВ+D ли ҳомиладорларда иммун-яллиғланиш дисбаланси янада яққол намоён бўлди. I триместрда ҳомиладорлик асоратсиз кечган гуруҳда IL-10 соғломларга нисбатан 4 баробар юқори бўлиб, IL-6 меъёрда сақланган ва АЛТ ошмаган. Ҳомиладорлик асоратли кечган гуруҳда эса IL-6 2,8 баробарга ошиб, АЛТнинг 2,4 баробар кўтарилиши кузатилган. II триместрда IL-10 пасайиши ва IL-6 ортиши АЛТнинг кескин ошишига олиб келган (қиёсий гуруҳда 2,6 баробар, асосий гуруҳда 6 баробар). III триместрда IL-10 яна пасайиб, IL-6 ортиши давом этган ва бу АЛТнинг асосий гуруҳда 9 баробар, қиёсий гуруҳда 4 баробарга ошиши билан кечган. Корреляцион таҳлилда ҳар икки гуруҳда АЛТ ва IL-10 ўртасида кучли тесқари, IL-6 ва АЛТ ўртасида эса кучли тўғри боғлиқлик аниқланди. Умуман олганда, IL-10 пасайиши ва IL-6 ортиши билан кечувчи иммун-яллиғланиш дисбаланси жигар цитолизи кучайишига ва ҳомиладорлик асоратларининг ривожланишига замин яратади. Дельта-агенти мавжудлиги ушбу жараённи янада оғирлаштиради ва прогноз нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этади.

Диссертациянинг «СВГВ ва СВГВ+D бўлган ҳомиладорларда VEGF A ген полиморфизми аҳамиятини ўрганиш ва баҳолаш» номли олтинчи бобида 188 нафар ўзбек популяциясидаги ҳомиладорларда VEGF A ген полиморфизми ўрганишдаги натижаларнинг таҳлили келтирилган. VEGF A rs99947 (-2578 C/A) полиморф локусида генотиплар тақсимланиши ҳомиладорлик асоратли кечган асосий гуруҳда Харди-Вайнберг мувозанати (ХВМ) билан қиёсий таҳлил қилинганда муҳим фарқлар аниқланди. Асосий гуруҳда гомозигот СС генотип 47,8%, гетерозигот СА – 20,9% ва гомозигот АА – 31,3% ҳолатларда кузатилди. ХВМ бўйича кутилаётган кўрсаткичлар мос равишда СС – 35,8%, СА – 50,7% ва АА – 13,4% ни ташкил этди. СС генотипининг фактик частотаси бироз юқори бўлган бўлса-да, ишонарли фарқ кузатилмади ($P>0,05$). Бироқ СА генотипининг фактик учраши кутилаётган кўрсаткичдан ишонарли равишда паст, АА генотипининг фактик частотаси эса ишонарли даражада юқори бўлди ($P<0,05$). Бу ҳолат асоратли кечган ҳомиладорликда гомозигот АА генотипнинг хавф омил сифатида иштирок этишини кўрсатади. Аллеллар даражасида эса С ва А аллеллар тақсимланиши бўйича ишонарли фарқ аниқланмади ($P>0,05$).

Қиёсий гуруҳда энг кўп учраган генотип СА (52,9%) бўлиб, СС – 38,6% ва АА – 8,5% ни ташкил этди. Ушбу гуруҳда генотиплар тақсимланиши ХВМга мувофиқ келди ва фактик ҳамда кутилаётган кўрсаткичлар ўртасида ишонарли фарқ кузатилмади ($P>0,05$). Соғлом ҳомиладорларда ҳам СА генотип устунлик қилди (49,0%), СС – 48,1% ва АА – 7,8% ҳолатларда аниқланди; генотиплар тақсимланиши ХВМга мос келди. Гуруҳлар ўртасида қиёсий таҳлил шуни кўрсатдики, асосий гуруҳда СА генотип учраш эҳтимоли қиёсий ва назорат гуруҳларига нисбатан ишонарли равишда паст ($P<0,01$), АА генотип эса ишонарли равишда юқори ($P<0,01$) бўлди. СС генотип бўйича гуруҳларда фарқ кузатилмади. Демак, -2578 C/A локусида

гетерозигот СА генотип ҳимояловчи, гомозигот АА генотип эса ҳомиладорлик асоратли кечиши билан боғлиқ хавф омил сифатида баҳоланди.

VEGF A rs1570360 (-1154 G/A) локусида соғлом ҳомиладорларда генотиплар тақсимланиши қуйидагича бўлди: GA – 52,9%, GG – 31,4% ва AA – 15,7%. Ушбу гуруҳда генотиплар ХВМга мувофиқ келди. Асосий гуруҳда GG – 53,7%, GA – 22,4% ва AA – 23,9% ҳолатларда кузатилди. GA генотипининг фактик частотаси кутилаётган кўрсаткичдан ишонарли равишда паст, AA генотип эса ишонарли даражада юқори бўлди ($P < 0,05$). Қиёсий гуруҳда эса генотиплар тақсимланиши ХВМга мос бўлиб, ишонарли фарқ кузатилмади. Асосий гуруҳда GA генотип қиёсий ва назорат гуруҳларига нисбатан ишонарли паст, AA генотип эса ишонарли юқори бўлди. Аллеллар даражасида эса гуруҳлар ўртасида ишонарли фарқ кузатилмади ($P > 0,05$). Шундай қилиб, ҳар икки локус бўйича гетерозигот СА ва GA генотиплар ҳимояловчи хусусиятга эга экани, гомозигот АА генотиплар эса ҳомиладорлик асоратли кечиши хавфини ошириши аниқланди. Икки локусли (-1154 G/A ва -2578 C/A) генотип комбинациялари таҳлил қилинганда 9 хил вариант кузатилди. CC+GG комбинациясида АЛТ кўтарилиши турли даражада кузатилган бўлсада, барча ҳолатларда муддатидан илгари туғруқ хавфи қайд этилди. CC+GA, CA+GG ва СА+GA комбинацияларида, АЛТ кўтарилишидан қатъий назар, ҳомиладорлик асоратсиз кечди, бу гетерозигот генотипларнинг ҳимояловчи аҳамиятини яна бир бор тасдиқлайди. Аксинча, АА генотип иштирок этган комбинациялар (CC+AA, AA+GG, AA+AA) асоратли кечиш билан характерланди. Хусусан, AA+AA комбинацияси энг оғир клиник натижалар билан кечди: 22 ҳафтагача ҳомила тушиши, муддатидан илгари туғруқ ва ўлик туғилиш ҳолатлари айнан ушбу комбинацияда кузатилди. 22 ҳафтагача ҳомила тушиш хавфи ушбу комбинацияда бошқа вариантларга нисбатан 33 баробар юқори бўлди ($P < 0,001$). Моделнинг спецификлиги 98%, сезувчанлиги 83% ни ташкил этди, бу унинг прогностик аҳамияти юқори эканини кўрсатади. Ишонч оралиғининг кенглиги эса намуна ҳажмининг чекланганлиги билан изоҳланади. Бундан ташқари, АА генотип иштирок этган комбинацияларда АЛТнинг меъёрдан 10 баробаргача ошиши хавфи АА генотип мавжуд бўлмаган комбинацияларга нисбатан ишонарли равишда 5 баробар юқори бўлди ($P < 0,05$). Шу билан бирга, АА генотип мавжуд комбинацияларда АЛТнинг меъёр даражасида сақланиши деярли кузатилмади.

Хулоса қилиб айтганда, VEGF A генининг -2578 C/A ва -1154 G/A локусларида гомозигот АА генотип ҳомиладорлик асоратли кечишида муҳим генетик хавф омил сифатида намоён бўлади. Гетерозигот СА ва GA генотиплар эса ҳомиладорликни асоратлардан муҳофаза қилувчи протектив вариантлар сифатида баҳоланиши мумкин. Икки локусли AA+AA комбинацияси эса клиник жиҳатдан энг ноқулай прогноз билан боғлиқ бўлиб, прогностик маркер сифатида

аҳамиятлидир.

Диссертациянинг «СВГВ ва СВГВ+D бўлган ҳомиладорларда VEGF A генининг -1154 G/A ва -2578 C/A полиморфизми ва коагулограмма кўрсаткичлари боғлиқлиги» номли еттинчи бобида дельта-агентидан қатъий назар сурункали вирусли гепатит В билан касалланган ҳомиладорларда коагулограмма кўрсаткичларини ўрганиш натижалари келтирилган. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, дельта-агентидан қатъий назар СВГВ билан касалланган ҳомиладорларда гемостаз тизими кўрсаткичлари соғлом ҳомиладорларга нисбатан ишончли равишда ўзгарган. Жигарнинг синтетик функцияси бузилиши чуқурлашгани сари гипокоагуляция ҳолати босқичма-босқич кучайиб бориши кузатилди. АЧТВ соғлом ҳомиладорларда $26,4 \pm 0,77$ секундни ташкил этган бўлса, СВГВ гуруҳида $29,5 \pm 0,63$ секундгача узайган ($P < 0,05$), дельта-агентли гуруҳда эса $30,7 \pm 0,81$ секундга етган ($P < 0,001$). Бу ички коагуляция йўли омиллари фаоллигининг пасайганини ва жигарда синтетик жараёнлар бузилганини кўрсатади. Бироқ СВГВ ва СВГВ+D гуруҳлари ўртасида АЧТВ бўйича фарқ статистик аҳамиятга эга бўлмади ($P > 0,05$). Протромбин вақти соғлом гуруҳда $11,8 \pm 0,61$ секунд бўлган. СВГВ гуруҳида у $12,4 \pm 0,43$ секундгача узайган, аммо ишончли фарқ қайд этилмаган ($P > 0,05$). Дельта-агентли гуруҳда эса ПВ $14,6 \pm 0,31$ секундни ташкил этган ва соғломларга нисбатан ишончли узайган ($P < 0,05$). Бу ташқи коагуляция йўли омиллари синтези камайганини англатади. Протромбин индекси соғлом гуруҳда $85,4 \pm 1,13\%$ бўлса, СВГВ гуруҳида $80,2 \pm 0,98\%$ ($P < 0,05$), дельта-агентли гуруҳда эса $76,78 \pm 1,1\%$ ($P < 0,001$) гача пасайган. МНО соғломларда $0,89 \pm 0,022$ бўлган, СВГВ гуруҳида ишончли фарқ кузатилмаган, аммо дельта-агентли гуруҳда $1,15 \pm 0,077$ гача ортиб, гипокоагуляция ва қон кетиш хавфини оширган ($P < 0,001$). Фибриноген соғлом ҳомиладорларда $4,7 \pm 0,26$ г/л бўлиб, физиологик гиперкоагуляцияни акс эттирган. СВГВ гуруҳида $2,98 \pm 0,12$ г/л, дельта-агентли гуруҳда эса $2,26 \pm 0,13$ г/л гача ишончли пасайган ($P < 0,001$). Ҳомиладорлик шароитида фибриногеннинг пасайиши жигар синтетик функциясининг жиддий бузилишини кўрсатади. Шу тариқа, СВГВда энгил гипокоагуляция тенденцияси шаклланса, дельта-агент қўшилиши бу ўзгаришларни янада кучайтиради. Айниқса ПТИ пасайиши, МНО ортиши ва фибриноген камайиши жигар синтетик функцияси бузилишининг энг сезгир маркерлари сифатида намоён бўлади. Бу ҳолат акушерлик асоратлари – муддатидан илгари туғруқ, перинатал муаммолар ва туғруқдан кейинги қон кетиш хавфини ошириши мумкин.

Тадқиқотнинг кейинги босқичида VEGF A генининг -1154 G/A ва -2578 C/A локуслари бўйича 9 хил генотип комбинацияси аниқланди ва улар коагулограмма кўрсаткичлари билан қиёсий таҳлил қилинди. СС+GG ва СА+АА комбинацияларида АЧТВ ва ПВ узайган, ПТИ паст бўлган ва гемостаз гипокоагуляция томон силжиган. СС+GA, СА+GG, СА+GA ва АА+GA комбинацияларида эса коагуляция кўрсаткичлари меъёр доирасида сақланган, бу ҳолат компенсация механизми

мавжудлигини кўрсатади. СС+АА, АА+GG ва айниқса АА+АА комбинацияларида эса АЧТВ ва ПВ қисқариши, МНО пастки чегарада бўлиши гиперкоагуляция тенденциясини кўрсатди. АА+АА комбинациясида фибриногеннинг пасайиши эса бир вақтнинг ўзида ҳам тромбоз, ҳам қон кетиш хавфини юзага келтириши мумкин бўлган мураккаб гемостатик дисбалансни англатади.

Гемостаз ҳолатини комплекс баҳолаш мақсадида коагуляция индекси (CI) ишлаб чиқилди: $CI = (\text{Фибриноген} + \text{МНО}) / \text{АЧТВ}$. Ушбу индекс қоннинг умумий коагуляцион потенциалини интеграл тарзда баҳолайди. CI юқори бўлса – гиперкоагуляция, CI паст бўлса – гипокоагуляция ҳолати устунлигини англатади. Яллиғланиш фаоллигини баҳолаш учун цитокинлар нисбати ҳисобланди: $CIR = IL-6 / IL-10$. IL-6 прояллиғланиш, IL-10 эса яллиғланишга қарши цитокинни ҳисобланади. Шу боис CIR юқори бўлиши яллиғланиш фаоллиги ошганини кўрсатади. Иккала кўрсаткич асосида акушерлик хавфи индекси (ORI) шакллантирилди: $ORI = CIR + 0,5 \times CI$

$ORI < 2$ – асоратлар хавфи минимал. Инфекционист ва акушер-гинеколог томонидан одатий амбулатор кузатув етарли ҳисобланади. Лаборатор мониторинг ҳар триместрда 1 марта амалга оширилади (АЛТ/АСТ, коагулограмма, IL-6/IL-10).

$ORI = 2-4$ – субклиник яллиғланиш ва плацентар етишмовчилик эҳтимоли ортади. Бундай ҳолатларда сурункали вирусли гепатит билан касалланган ҳомиладор аёлда АЛТ, АСТ, вирус юкламаси (HBV/HDV ДНК), коагулограмма (INR, фибриноген, D-димер) баҳоланади, шунингдек плацента қон айланиши бўйича доплерометрия ўтказилади. Қон оқимида бузилиш аниқланганда 3 ой муддатга L-аргинин тайинланади.

$ORI = 4-6$ – плацентар дисфункция ва ҳомила гипоксияси хавфи юқори. L-аргинин дарҳол тайинланади, лаборатор ва доплер мониторинги ҳар 2 ҳафтада ўтказилади.

$ORI > 6$ – акушерлик асоратлари эҳтимоли ниҳоятда юқори. Ҳомиладор стационарга ётқизилади, стационар шароитида мониторинг ўтказилади, комплекс терапия тайинланади, ҳар кунлик клиник кузатув ва туғруқ муддатини индивидуал режалаштириш амалга оширилади.

Шундай қилиб, VEGF A генотиплари, гемостаз кўрсаткичлари ва цитокинлар нисбати асосида ишлаб чиқилган интеграл индекс ҳомиладорларда акушерлик асоратларини эрта прогноз қилиш ва индивидуаллаштирилган тактикани танлаш имконини беради.

Диссертациянинг «СВГВ ва СВГВ+D билан касалланган аёлларда томир эндотелийсининг ўсиш омили ген полиморфизига мувофиқ равишда патогенетик даволаш усуллари такомиллаштириш» номли саккизинчи бобида СВГВ билан касалланган аёлларда қон томир эндотелийсининг ўсиш омили полиморфизми комбинациясида АА гомозигот генотип бўлган аёлларда ҳомиладорлик асоратли кечишини эътиборга олган ҳолда даволаш комплексига L-Аргинин қўшилди ва унинг самарадорлиги ўрганилишда олинган натижалар

келтирилди. Азот оксидининг ҳомиладорликнинг барча триместларида муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олган ҳолда, VEGF A генининг -1154 G/A ва -2578 C/A локусларидаги AA гомозигот генотипига эга бўлган аёлларда махсус даво тадқиқоти ўтказилди. Ушбу даво тадқиқоти икки гуруҳда амалга оширилди: I гуруҳ – 62 нафар ҳомиладорликни режалаштираётган ёки ҳомиладорликнинг эрта 7-ҳафталаригача бўлган аёллар, у ерда L-Аргинин қўшилган даво комплекси ишлатилди. Бошланғич даврда L-Аргинин 100 мл вена ичига 10 кун томчилаб юборилди, сўнгра 10 мл суспензия кунига 2 марта 60 кун давомида ичишга буюрилди. II гуруҳ – шу генотипга эга 41 нафар аёллар, у ерда умумбелгиланган даво комплекси қўлланилди, L-Аргинин қўшилмади. Этиологик омиллар бўйича гуруҳлар ўзаро мувофиқ бўлди: I гуруҳда 33,9% СВГВ+D ва 66,1% СВГВ, II гуруҳда 61,0% СВГВ+D ва 38,9% СВГВ ($P>0,05$). Даводан аввал I гуруҳдаги аёлларда тез чарчаш (95,2%), кўнгил айниши (83,9%), иштаҳа пастлиги (100%), қайт қилиш ва жиғилдон қайнаши белгилари кузатилган. Даво натижасида бу белгилар сезиларли даражада камайди: тез чарчаш $OR=25,5$ ($P<0,001$), кўнгил айниши $OR=8,2$ ($P<0,001$), иштаҳа пасайишининг учраш эҳтимоли ҳам 2 баробарга камайган. II гуруҳда эса анъанавий даво натижасида белгилар динамикаси ишонарли ўзгармаган ($P>0,05$). Лаборатория таҳлилларида ҳам I гуруҳда сезиларли ўзгаришлар қайд этилди: АЛТ $121,2\pm 2,3$ ЕД/л дан $57,5\pm 1,7$ ЕД/л га, умумий билирубин $72,3\pm 1,67$ ммоль/л дан $38,2\pm 0,81$ ммоль/л га, IL-6 $37,2\pm 0,54$ пг/м дан $15,7\pm 0,22$ пг/м га пасайди (барчаси $P<0,05$ – $P<0,001$). II гуруҳда лаборатория кўрсаткичлари динамикада деярли ўзгармади ($P>0,05$). Шу билан бирга, вирус юкламаси қийматлари (HDV RNA ва HBV DNA) ҳар икки гуруҳда ҳам даво давомида ўзгаришсиз қолди ($P>0,05$).

Допплер УТТ натижалари шуни кўрсатдики, I гуруҳдаги аёлларнинг 66,1% да Ia даражадаги утероплацентар қон айланиши бузилиши, 16,1% да Ib даражадаги фетоплацентар бузилиш аниқланди. Даводан кейин 75,8% аёлларда патология аниқланмади, Ia даражадаги бузилиш 24,2% га тушди ($RR=2,7$; $P<0,05$). II гуруҳда эса даводан сўнг Ia ва Ib даражадаги бузилишлар ҳаттоки бироз кўтарилди ($P>0,05$). Туғруқ натижалари шуни кўрсатдики, I гуруҳдаги аёллар ўртача $38,1\pm 0,77$ ҳафтада туғилди, асоратли ҳомиладорлик 19,4% да кузатилди. II гуруҳда ўртача туғруқ $36,1\pm 0,56$ ҳафтада, асоратли ҳомиладорлик 34,1% ни ташкил этди. Чақалоқлар ҳолати таҳлилида I гуруҳда туғилгандаги ўртача тана оғирлиги $3,43\pm 0,28$ кг, II гуруҳда эса $2,78\pm 0,13$ кг ($P<0,05$) бўлди. 2500 г дан паст оғирликда туғилиш эҳтимоли II гуруҳда ишонарли даражада юқори бўлди ($OR=5,923$; $P<0,05$). Эрта неонатал даврда ҳомиланинг сурункали гипоксияси II гуруҳда 71,0% га, I гуруҳда 33,3% га аниқланди ($OR=4,857$; $P<0,05$). Шунингдек, II гуруҳда бир ҳолатда туғма нуқсон – чаноқ-сон бўғимининг дисплазияси қайд этилди.

L-Аргинин қўшилган даво комплекси (I гуруҳ) эрта ҳомиладорликдаги СВГВ/СВГВ+D аёлларда клиник симптомларни

самарали камайтирди, лаборатория кўрсаткичларини яхшилади ва утеропацентар қон айланишини сезиларли яхшилади. Бу даво туғруқ муддатига ижобий таъсир кўрсатди ва неонатал натижаларни оптималлаштирди. Умумий белги шуки, L-Аргинин қўшилмаган анъанавий даво (II гуруҳ) билан шу каби ижобий эффектлар кузатилмади, эрта туғруқ ва неонатал асорат хавфи юқори бўлди.

Ижтимоий самарадорлик мезонлари: VEGF A нинг rs699947 полиморф локусидаги -2578 C/A ҳамда rs1570360 полиморф локусидаги - 1154 G/A ген полиморфизми комбинациясида гомозигот AA генотипи бўлган аёллар даволаш комплексига L-Аргинин дори воситасини киритиш, ҳомилаичи даврида гипоксия кузатилиш эҳтимолини камайишига, муддатига етиб туғруқ кузатилиш сонини ортишига, чақалоқларни 2500 г дан юқори тана оғирлиги билан туғилишига сабаб бўлади

Иқтисодий самарадорлик $= (TC - (CA - C)) - A$

бунда:

TC = анъанавий даво учун сарфланадиган ҳаражат нархи;

CA = L-Аргинин билан даволаш ва унга сарфланадиган ҳаражат нархи;

C = анъанавий давога L-Аргинин дори воситасини қўшилиши туфайли асоратлар ривожланиш эҳтимолини пасайиши натижасида сақлаб қолинадиган ҳаражат нархи;

A = L-Аргининни қўллашдан кузатиладиган ножўя таъсир ва тиббий муолажаларга сарфланадиган қўшимча ҳаражат нархи

$$\begin{aligned} \text{Ис} &= (TC - (CA - C)) - A = (4\,000\,000 - (1\,804\,000 - 10\,000\,000)) - 300\,000 \\ &= (4\,000\,000 - (-8\,196\,000)) - 300\,000 = (4\,000\,000 + 8\,196\,000 - 300\,000) = \\ &11\,896\,000 \text{ сўм} \end{aligned}$$

Умуман олганда, СВГВ билан касалланган аёллар даволаш комплексига L-Аргинин дори воситасини киритиш, гестация даврида гипоксия кузатилиш эҳтимолини камайишига, вақтига етиб, табиий туғруқ кузатилиш сонини ортишига, чақалоқларни 2500 г дан юқори тана оғирлиги билан туғилишига ҳамда 11896000 сўмни тежалишига олиб келади.

ХУЛОСАЛАР

«Ҳомиладорларда сурункали вирусли гепатит В ва D нинг кечиш хусусиятлари» мавзусидаги илмий иш натижаларига кўра қуйидаги хулосалар қилинди:

1. Ҳомиладорларда СВГВ D агентига боғлиқ равишда оғир кечади, уларда уйқу бузилиши, тажанглик, сарғайиш ва геморрагик белгилар, анемия ва тромбоцитопения каби лаборатор ўзгаришлар ишонарли равишда кўп учрайди ($P < 0,001$), дельта агентидан қатъий назар АЛТ ва билирубин кўрсаткичлари, вирус юкламаси қиймати ҳомиладорлик триместрларига тўғри, юқори корреляцион боғликка эгалигини кўрсатди.

2. СВГВ билан касалланган ҳомиладорларда ҳомиладорлик

тугалланиш оқибатлари дельта агентга боғлиқ. СВГВ+D да бачадон-йўлдошда қон айланишининг бузилиши ($r=0,94$), 22 ҳафтагача ҳомила тушиши ($r=0,89$), муддатидан илгари туғруқ асоратларини ($r=0,84$) ривожланиш эҳтимоли ва HDV РНК қиймати орасида тўғри, юқори корреляцион боғлиқлик мавжудлиги билан асосланади.

3. Дельта агентидан қатъий назар, СВГВ билан касалланган ҳомиладорларда IL-6 қийматини ҳомиладорлик триместрига боғлиқ сезиларли ортиши ($P<0,001$), IL-10 қийматини эса пасайиши ($P<0,001$) кузатилиб, IL-6 ва АЛТ қийматлари орасида юқори тўғри ($r=0,889$), IL-10 ва АЛТ орасида эса юқори, тескари ($r=-0,776$) корреляцион боғлиқлик аниқланди. СВГВда динамикада пасайишга мойил IL-10 фонида IL-6 \geq 3, АЛТ \geq 3 бўлиши 18,3% ҳолатларда, СВГВ+D да IL-10 турғунлигида IL-6 \geq 5, АЛТ \geq 7 бўлиши 44,1% ҳолатларда асоратли ҳомиладорликдан башорат қилади.

4. СВГВ ва СВГВ+D билан касалланган ҳомиладорларда VEGF A генининг -2578 С/А ва -1154 G/А локуслари ҳомиладорлик натижаларини белгилайди. СА ва ГА генотиплари ҳамда уларнинг комбинациялари ҳомиладорликни асоратсиз олиб боришда ҳимоявий роль ўйса, иккала локусдаги АА генотиплари ва уларнинг гомозигот комбинациялари асоратли ҳомиладорлик хавфини ошириши билан тавсифланади.

5. VEGF-A генининг -1154 G/А ва -2578 С/А полиморфизмлари комбинацияси гемостаз тизими ҳолатига сезиларли таъсир кўрсатади: АА аллели устун бўлган комбинациялар (СС+АА, АА+GG, АА+АА)да гиперкоагуляция ва гемостазнинг нотекслигига мойиллик, СС+GG комбинацияда эса енгил гипокоагуляция тенденцияси кузатилди, қолган комбинацияларда гемостаз асосан компенсацияланган ҳолатда сақланди. Бу VEGF-A полиморфизмлари ҳомиладорликда тромбоз ва қон кетиш хавфини баҳолашда потенциал генетик биомаркер сифатида амалиётда қўллаш мумкинлигини кўрсатади.

6. VEGF A генининг - 1154 G/А ҳамда -2578 С/А генотипларининг АА гомозигот генлари комбинацияси ҳолатида ҳомиладорликнинг эрта даврларида L-Аргинин дори воситасини қўлланилиши касаллик клиник белгилари учраш даражасини ишонарли равишда камайиши ($P<0,001$), IL-6, АЛТ, умумий билирубин қийматларини ишонарли равишда пасайиши ($P<0,001$) ҳамда ҳомиладорликнинг асоратли яқунланиш эҳтимолини ишонарли равишда камайишини кўрсатади.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.06/2025.27.12.Tib.01.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
МЕДИЦИНСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ, РЕСПУБЛИКАНСКОМ
СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОМ
МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ ЭПИДЕМИОЛОГИИ, МИКРОБИОЛОГИИ,
ИНФЕКЦИОННЫХ И ПАРАЗИТАРНЫХ ЗАБОЛЕВАНИЙ
ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ

ТАШПУЛАТОВА ШАХНОЗА АБДУЛЛАХАТОВНА

ОСОБЕННОСТИ ТЕЧЕНИЯ ХРОНИЧЕСКОГО ВИРУСНОГО ГЕПАТИТА В
И D У БЕРЕМЕННЫХ

14.00.10 – Инфекционные болезни

АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА МЕДИЦИНСКИХ НАУК (DSc)

ТАШКЕНТ – 2026

Тема диссертации доктора медицинских наук (DSc) зарегистрирована в В
аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и иннс
Республики Узбекистан под номером №В2023.1.DSc/Tib800.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном медицинском университете. Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tashmeduni.uz) и информационно-образовательного портала Ziyonet (www.ziyonet.uz)

Научный консультант:

| | |
|--------------------------------|------------------|
| Ахмедова Джалиловна | Муборахон |
|--------------------------------|------------------|

доктор медицинских наук,
профессор

Официальные оппоненты:

Байжанов Аллаберган Кадирович
доктор медицинских наук,
профессор

Ибадова Гульнара Алиевна
доктор медицинских наук,
профессор

**Утепбергенова Гульмира
Алкеновна**
доктор медицинских наук, доцент
(Республика Казахстан)

Ведущая организация:

**Самаркандский государственный
медицинский университет**

Защита диссертации состоится «_____» _____ 2026 г. в _____ часов на заседании Научного Совета DSc.06/2025.27.12.Tib.01.01 при Ташкентском государственном медицинском университете, Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре эпидемиологии, микробиологии, инфекционных и паразитных заболеваний (Адрес: 100151, г. Ташкент, Учтепинский район, ул. Заковат, дом 2А. Тел/факс: (+99871) 243-36-05.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного медицинского университета (зарегистрирована за _____). Адрес: 100109, г. Ташкент, Алмазарский район, улица Фаробий, дом 2. Тел./факс: (+99871)-150-78-14.

Автореферат диссертации разослан _____ 2026 года.

(Протокол реестра рассылки № ____ от _____ 2026 г.).

Л.Н. Туйчиев

Председатель учёного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

Н.У. Таджиева

Ученый секретарь учёного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

Б.М. Таджиев

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и необходимость темы диссертации. Доля HDV-инфекции среди больных хроническим вирусным гепатитом В в мире составляет 5%. В Глобальной стратегии сектора здравоохранения по вирусным гепатитам ВОЗ «...призвала к принятию неотложных мер по борьбе с вирусным гепатитом и классифицировала гепатит D как канцерогенное заболевание, поскольку при суперинфекции переход процесса в хроническую форму составляет 80–90%, а хронический вирусный гепатит D увеличивает риск развития гепатоцеллюлярной карциномы в три раза и риск смерти – в два раза»⁴ в течение 2 лет у 15% пациентов, а в течение 5–10 лет у 70,0–80,0% пациентов развивается цирроз. В связи с этим крайне важно разработать лечебные мероприятия, направленные на замедление прогрессирования патологического процесса. У беременных хронический вирусный гепатит В повышает риск преждевременной отслойки плаценты, преждевременных родов, гестационной гипертензии, фетоплацентарной недостаточности, задержки внутриутробного развития плода, а также увеличивает риск хронической инфекции у ребёнка. Присоединение HDV-инфекции к хронической HBV-инфекции ещё более утяжеляет состояние матери и плода.

Во всём мире особое внимание уделяется научным исследованиям, направленным на изучение особенностей течения хронических вирусных гепатитов В и D у беременных, раннюю диагностику осложнений, а также совершенствование методов лечения и профилактики. В этом направлении актуальными задачами являются обоснование клинико-патогенетических особенностей течения заболевания у беременных, выявление молекулярно-генетических механизмов развития осложнений, проведение масштабного скрининга с использованием экспресс-тестов и перспективного эпидемиологического анализа распространённости хронических форм инфекции среди данной группы. Кроме того, важное значение имеет оценка эффективности и безопасности лекарственных средств, применяемых в терапии, анализ различных терапевтических подходов, а также повышение результативности программ вакцинации против вирусных гепатитов.

В нашей стране реализуются масштабные меры, направленные на развитие сферы здравоохранения, приведение системы медицинской помощи в соответствие с мировыми стандартами, а также повышение качества ранней диагностики, лечения и профилактики различных

⁴ <https://www.who.int/ru/campaigns/world-hepatitis-day/20258> World Hepatitis Day 2025 Hepatitis: Let's Break It Down

заболеваний. В этой связи «..... системный анализ деятельности по оказанию медицинской помощи матерям и детям, выявление недостатков и определение конкретных мер по их устранению, а также контроль за их исполнением»⁵ определены в качестве задач.

Исходя из этого, целесообразно совершенствовать меры по раннему выявлению и профилактике осложнений, вызванных хроническим гепатитом у беременных.

В выполнении задач, определённых Указами Президента Республики Узбекистан от 29 января 2022 года № ПФ-60 «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022–2026 годы», от 11 сентября 2023 года № ПФ-158 «О стратегии «Узбекистан – 2030», Постановлениями Президента от 16 мая 2022 года № ПҚ-243 «О совершенствовании мер по противодействию распространению некоторых актуальных вирусных инфекций», от 8 сентября 2023 года № ПҚ-296 «О мерах по охране здоровья матерей и детей, укреплению репродуктивного здоровья населения», а также других нормативно-правовых актах, касающихся данной деятельности, настоящее диссертационное исследование служит определённой практической целью.

Связь исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан. Научное исследование выполнено в соответствии с VI приоритетным направлением усовершенствования науки «Медицина и фармакология».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации⁶. Исследования, направленные на выявление особенностей течения хронического вирусного гепатита В и D у беременных, проводятся в ведущих научных центрах и высших учебных заведениях мира, включая Stanford University School of Medicine (США), Yale School of Public Health (США), Duke University Medical Center (США), University of Calgary (Канада), German Center for Infection Research (DZIF, Германия), Leibniz Institute of Virology (Германия), Kirby Institute (UNSW Sydney, Австралия), Global Virus Network (GVN), Coalition for Global Hepatitis Elimination (CGHE), ICMR – National Institute of Virology (Пуна, Индия), Asian Liver Center (Stanford University, США), Stanford University, Johns Hopkins University, Medical College of Georgia (США), Technical University of Munich (TUM, Германия), Imperial College London (Великобритания), University of Navarra (Испания), University of Cagliari (Италия), Nanjing Medical University (Китай), Cairo University (Египет), Haramaya University (Эфиопия), Monash University (Австралия), а также в Центре повышения квалификации медицинских работников (Узбекистан), Ташкентском

⁵ Постановление Президента Республики Узбекистан от 8 сентября 2023 года № ПҚ-296 «О мерах по охране здоровья матерей и детей, укреплению репродуктивного здоровья населения».

⁶ Научно-исследовательские работы по теме диссертации проводились на основе данных зарубежных международных электронных научных платформ (www.who.int, <https://med.stanford.edu/school.html>, <https://ysph.yale.edu/>, <https://www.dukehealth.org/locations/duke-university-medical-center>, <https://www.ucalgary.ca>, <https://www.globalhep.org>, <https://niv.icmr.org.in>, <https://med.stanford.edu/liver.html>, <https://en.unav.edu>, <https://en.unica.it/en>, <https://english.njmu.edu.cn>, <https://cu.edu.eg>, <https://www.haramaya.edu.>, www.monash.edu) а также других источников

государственном медицинском университете (Узбекистан), Центре иммунологии и генома человека и Научно-исследовательском институте вирусологии.

В настоящее время выявление различного течения заболевания у пациентов с помощью комплексного клинического и лабораторного обследования, а также определение его прогностических биомаркеров на основе современных и передовых исследовательских методов, является приоритетным направлением современной инфектологии. Исследования, направленные на совершенствование методов лечения и обоснование патогенеза вируса, проводятся одним из специализированных глобальных исследовательских центров по гепатиту В – Hepatitis B Foundation и Baruch S. Blumberg Institute (США); прогнозирование риска передачи вирусных инфекций через кровь, их профилактика и международный анализ распространения HBV и HCV – в рамках Viral Hepatitis Program Yale School of Public Health (США); многопрофильные международные клинические исследования вирусных гепатитов, включая хронический гепатит В с дельта-агентом, а также работа с базами данных пациентов – German Center for Infection Research (DZIF, Германия); изучение эпидемиологии и профилактики хронических гепатитов в качестве национального мониторингового центра – National Institute of Virology (ICMR, Пуна, Индия); образовательные, клинические и профилактические исследования по гепатиту В в странах Азии – Asian Liver Center (Stanford University, США). В лаборатории молекулярных исследований Центра иммунологии при Министерстве здравоохранения Республики, в Научно-исследовательском институте вирусологии, в Республиканском специализированном центре эпидемиологии, микробиологии, инфекционных и паразитарных болезней, а также в Ташкентском государственном медицинском университете (Узбекистан) проводятся научные исследования по ранней диагностике тяжёлого и осложнённого течения хронического вирусного гепатита, внедрению высокотехнологичных молекулярно-генетических методов исследования и применению персонализированных подходов к лечению.

Клиническое течение и динамика лабораторных показателей острого и хронического вирусного гепатита у беременных имеют свои особенности. Отмечено, что понимание медицинскими работниками значимости вирусных гепатитов в период беременности, своевременная диагностика и применение эффективных стратегий лечения играют ключевую роль в снижении осложнений для матери и плода, а также обеспечении безопасности грудного вскармливания. Исследования в этой области проводились в ведущих учреждениях, таких как Medical College of Georgia (США), Duke University Medical Center (США), University of Calgary (Канада), Nanjing Medical University (Китай). У беременных с хроническим вирусным гепатитом В и высоким уровнем

вирусной нагрузки отмечено развитие осложнений, таких как гестационный диабет, нарушения гемостаза вплоть до ДВС-синдрома, анемия, риск потери плода на сроке 22–32 недели, гестозы, фетоплацентарная недостаточность, кровотечения при родах, преждевременные роды и преждевременный излитие вод до 34-й недели. В этой области исследования проводились Hacettepe University (Турция), University of Calgary (Канада), Nanjing Medical University (Китай). Кроме того, у носителей HBsAg возможна суперинфекция, проявляющаяся тяжёлым острым гепатитом или обострением ранее существовавшего хронического гепатита В; в таких случаях течение заболевания чаще тяжелее, чем при коинфекции HBV/HDV. Длительное присутствие HBsAg поддерживает репликацию вируса, в результате чего примерно в 90% случаев происходит переход в хронический гепатит D с развитием тяжёлых осложнений, таких как фиброз, цирроз и гепатоцеллюлярная карцинома. Эти исследования имеют важное значение для изучения влияния вирусных гепатитов на беременность, возможностей лечения и профиля осложнений в разных регионах мира, а также создают основу для медицинских работников по эффективному контролю и лечению вирусных гепатитов у беременных с использованием современных клинических подходов.

